# Қўрққанда айтиладиган дуо

Image not found or type unknown



09:50 / 16.05.2025 1859

Амр ибн Шуайб оталаридан, оталари боболаридан ривоят қиладилар:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор нарсадан қўрққан кишиларга:

أَعُوذُ بِكَلِمَاتِ اللهِ التَّامَّةِ مِنْ غَضَبِهِ وَشَرِّ عِبَادِهِ وَمِنْ هَمَزَاتِ الشَّيَاطِينِ وَأَنْ يَحْضُرُونِ

**«Аъузу бикалиматиллаҳит таммаҳ мин ғозобиҳи ва шарри ъибадиҳи ва мин ҳамазатиш шайатийни ва ан йаҳзуруни»**, деб айтишни ўргатар эдилар.

Маъноси: Аллоҳнинг мукаммал калималари билан ғазабидан ва бандаларининг ёмонлигидан ва шайтон васваса қилиб, менинг ёнимда ҳозир бўлишидан паноҳ тилайман.

*Абу Довуд ва Термизий ривояти.*

Абдуллоҳ ибн Амр ақли кирган фарзандларига ушбу калималарни ўргатардилар. Ақли кирмаганларига эса ёзиб, унга илиб қўярдилар.

***Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан***

***Таржимон Анвар Аҳмад***

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2290-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.